

**«Ўзпартампоаж» акциядорлик жамиятининг 2022 йил
яқунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши
I–сонли БАЁННОМАСИ**

23 июн 2023 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 14:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шох кўчаси, жамият биноси

«Ўзпартампоаж» АЖ санок комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқди ва акциядорлар ва уларнинг вакилларининг мазкур акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш учун руйхатдан ўтиш натижаларини маълум қилди, жумладан Акциядорларни руйхатга олиш якунига кўра умумий йиғилишда «Ўзпартампоаж» АЖнинг жойлаштирилган жами 8447400 дона овоз берувчи акцияга эгаллик қилувчи 479 та акциядорлардан, 11 нафар акциядор руйхатдан ўтганлиги ва уларга тегишли бўлган жами 6348800 дона овоз берувчи акцияларни ташкил этади, йиғилиш қворуми 75,1 фоизни, яъни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 68-моддасига асосан қворумга эга эканлигини маълум қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги»нинг вакили ишончнома асосида Р.Я.Эрсориев– 2 079 792 дона овоз, «INTEGRA EURASIA» МЧЖ - 816 200 дона ҳамда «Eriell GmbH» компанияси вакили Ҳ.Р.Сафаров – 1 267 110 дона овоз, «PTS DRILLING SERVICES» МЧЖнинг вакили ишончнома асосида А.А.Абдужаббаров – 961 298 дона овоз ва бошқа 6 нафар жисмоний шахслар – акциядорлар 1 224 400 дона овоз билан катнашдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 77-моддасига (3-банди) ва «Ўзпартампоаж» АЖ Уставининг 8.13 бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Кузатув кенгашининг бошқа бир аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очади ва раислик қилиши белгиланган.

Умумий йиғилишда «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгаши раиси узурли сабабларга кўра катнаша олмаганлиги ва бошқа аъзолари иштирок этмаганлиги сабабли, акциядорларни йиллик умумий йиғилишини раиси этиб «INTEGRA EURASIA» МЧЖ ҳамда «Eriell GmbH» компанияси вакили – Ҳ.Р.Сафаров ҳамда баённомани расмийлаштириш учун йиғилиш қотиби этиб жамият корпоратив муносабатлар ва қимматли қозғалар бўйича менеджери Н.Қ. Мингяшаров номзоди таклиф этилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ичидан 4 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилиш таклиф қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда тайинланди:

«INTEGRA EURASIA» МЧЖ ҳамда

«Eriell GmbH» компанияси вакили -

Ҳ.Р.Сафаров

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини

бошқариш агентлиги»нинг ваколатли вакили -

Р.Я.Эрсориев

«PTS DRILLING SERVICES» МЧЖ вакили -

А.А.Абдужаббаров

«Ўзпартампоаж» АЖ директори -

Б.О.Суяров

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. «Ўзпартампоаж» АЖнинг Кузатув кенгашининг 2022 йилда ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Ўзпартампоаж» АЖ директорининг 2022 йил яқунлари бўйича Бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.



5. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси ҳамда СМК, СЎК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

6. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

7. “Ўзпартампоаж” АЖ директориغا 2023 йилда тўланадиган рағбатлантиришнинг ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш.

8. “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

9. “Ўзпартампоаж” АЖнинг акциядорлари томонидан 2018 йил якуни бўйича талаб қилиб олинмаган дивиденд қарздорлигини жамият фойдасига олишни кўриб чиқиш.

10. Аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш.

11. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиладиган текшириш ҳамда СМК, СЎК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудиторни сайлаш.

12. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Устави ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги низомларини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Кун тартибидаги **биринчи** ва **иккинчи** масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклиф қилди:

| | |
|--------------------|---------------------------|
| М.Эримов | - санок комиссияси раиси, |
| С.Эргашев | - санок комиссия аъзоси, |
| А.Кароматов | - санок комиссия аъзоси. |

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар жами 12 тани ташкил этади ва ҳисобот берувчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 311 600 та овоз, қаршилар – 200 та овоз, бетарафлар – 37 000 та овоз.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат М.Эримов - санок комиссияси раиси, С.Эргашев ва А.Кароматовлар - санок комиссияси аъзолари этиб сайлансин.


Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан “Eriell GmbH” компанияси ва “INTEGRA EURASIA” МЧЖ вакили – Ҳ.Р. Сафаров сўзга чиқди. У 2022 йил давомида «Ўзпартампоаж» АЖ директори ва етакчи мутахассислар иштирок эткан 9 та кузатув кенгаш йиғилиши ўтказилиб, қарорлар бир овоздан қабул қилинганлигини ва директорининг ҳисоботлари ҳамда бевосита Кузатув кенгашининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳар чоракда тинглаб борилганлигини айтиб ўтди.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 348 600 та овоз, қаршилар – 200 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

3. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.



Тўртинчи масала бўйича «Ўзпартампонаж» АЖ директори Б.О.Суяров сўзга чиқди. У акциядорлик жамиятининг 2022 йилдаги молия – хўжалик фаолияти ва бажарилган ишлар, бизнес-режа кўрсаткичлари, узок ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи ҳамда 2023 йилда олдимизга кўйилган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. (*маъруза илова қилинади*).

“Eriell GmbH” компанияси ва “INTEGRA EURASIA” МЧЖ вакили – Ҳ.Р.Сафаров сўзга чиқиб, жамият соф фойдасини бажарилишида жами машина-соатлар режага нисбатан кам бажарилганлигини айтди.

Сўзга жамиятнинг иқтисод бўлими бошлиғи – Б.Б.Комилов чиқиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш зарурати туфайли ижарага олинган автотранспортлар ишлаган машина-соатлар алоҳида ҳисобланганлиги ва келгусида буни бартараф этилиши тўғрисида айтиб ўтди.

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, 2022 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи овозга кўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 348 600 та овоз, қаршилар – 200 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

4. Жамият директорининг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узок ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. У Жамиятнинг 2022 йил молиявий – хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташки аудиторни бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи, самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди (*ҳисоботлар илова қилинади*).

Бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятни 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташки аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлаш масаласи овозга кўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 348 600 та овоз, қаршилар – 200 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

5. Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташки аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан “Бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти”га мувофиқ берилган ҳулосаси, ташки аудит “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартлари”га мувофиқ берилган ҳулосаси ҳамда ташки аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Олтинчи масала бўйича жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежери Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқди. У ўз нутқида 2022 йил якуни бўйича жамият **2 983 031 000 сўм** миқдорда соф фойда билан чиққанлигини айтиб ўтди ҳамда бу соф фойданинг тақсимотини тасдиқлаш учун “Ўзпартампонаж” АЖ Кузатов кенгашининг 2023 йил 31 майдаги № 1 сонли мажлис баёнига асосан қуйидагича тақсимлаш таклиф қилинганлигини айтиб ўтди:

- дивидендга - 19,8% ни яъни ҳар бир оддий акция учун 70 сўмдан жами 591 318 000 сўм;
- жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга - 20% ни яъни 596 606 200 сўм;



- жамият якка тартибда ижро органи - директорга Ўз.Рес. ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775 - сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўловига - 2% ни яъни 59 660 620 сўм;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатларига - 1% ни яъни 29 830 310 сўм;

- Кузатов кенгаши аъзоларини қўшимча рағбатлантириш учун - 5,36% ни яъни 160 000 000 сўм;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига (техникаларни янгилаш) - 51,84% ни яъни 1 545 615 870 сўм.

Олтинчи масала муҳоқомасидан сўнг, жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 2 022 300 та овоз, қаршилар – 4 326 500 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

6. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимланмасин.

Еттинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июль 2016 йилдаги 207-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 декабрдаги 775-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилган "Корпоратив бошқарув кодекс" талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг якка тартибдаги ижроия органига – директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда "Ўзпартампоаж" АЖ якка тартибдаги ижроия органига – директорига 2023 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг кўп миқдорини **100 млн. сўм** миқдорида белгиланган ҳисоб жадвалдан ўқиб эшиттирилди (*ҳисоб жадвали илова қилинади*). Еттинчи масала муҳоқамаси якунидан сўнг овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 348 600 та овоз, қаршилар – 200 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

7. "Ўзпартампоаж" АЖ якка тартибдаги ижроия органига – директорига 2023 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг кўп миқдори 100 млн.сўм этиб тасдиқлансин.

Саккизинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз сўзида "Ўзпартампоаж" АЖ Кузатов кенгашининг 2023 йил 31 майдаги 1-сонли мажлис баёнига асосан қуйидагича жамият Кузатов кенгаши тақибини қайта сайлаш масаласи кўриб чиқилганлиги ва қуйидаги таркибда:

1). «Ўзпартампоаж» АЖнинг 10.04.2023 йил ҳолатида **15 %** акцияларига эзлик қилувчи йирик акциядори "ERIELL GmbH" Чет-эл Компаниясининг 2023 йил 13 февралдаги №ИСХ-ЕС-77 рақамли хатига асосан қуйидаги номзодни «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатов кенгашига киритишни таклиф қилган:

Иргашев Рустам Курбанович - (паспорт АС3157720, Тошкент ш., Шаҳантохур тумани ИИБ томонидан 26.11.2020 йилда берилган) "ERIELL GmbH" Чет-эл Компаниясининг вакили.



2). “Ўзпартампотаж” АЖнинг 10.02.2023 йил ҳолатида **13,75%** акцияларига эгалик қилувчи йирик акциядори жисмоний шахс **Юнусматов Азамат Мурадovich**нинг жамиятга 2023 йил 10 февралдаги Ёзган хатига асосан, қуйидаги номзодни «Ўзпартампотаж» АЖ Кузатув кенгашига киритишни таклиф қилган:

Юнусматов Азамат Мурадovich – (паспорт АА0728934, Тошкен ш., Миробод тумани ИИБ томонидан 20.01.2023 йилда берилган) – 1 161 400 дона акцияга эгалик қилади.

3). «Ўзпартампотаж» АЖнинг 27.01.2023 йил ҳолатида **9,66 %** акцияларига эгалик қилувчи йирик акциядори «INTEGRA EURASIA» МЧЖнинг 2023 йил 31 мартдаги № 8/АГ – сонли хатига асосан, жамият Кузатув кенгашига қуйидаги номзодларни киритишни таклиф қилган:

- **Гафийтуллин Артур Адгамович** - (паспорт ХS0024869, Тошкент ш., Миробод тумани ИИБ томонидан 22.11.2021 йилда берилган) жамият акцияларига эга эмас;

- **Гафийтуллин Элина Хайдаровна** - (паспорт АА4309540, Тошкен ш., Миробод тумани ИИБ томонидан 14.02.2014 йилда берилган) жамият акцияларига эга эмас;

- **Ахмедов Жамшид Рустамович** - (паспорт АА4601338, Бухоро вилояти ИИБ томонидан 06.03.2014 йилда берилган) жамият акцияларига эга эмас.

4) «Ўзпартампотаж» АЖнинг 12.04.2023 йил ҳолатида **11,4 %** акцияларига эгалик қилувчи йирик акциядори “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖнинг 2023 йил 31 мартдаги №41 – сонли хатига мувофиқ, жамият Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар таклиф қилинди:

- **Абдужабборов Аваз Абдусатторович** – (паспорт АА4259781, Тошкент шаҳри ИИБ томонидан 08.02.2014 йилда берилган) жамият акцияларига эга эмас;

- **Мирсаидов Мирсаид Миразизович** – (паспорт АС3216142, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур ТИИБ томонидан 23.12.2020 йилда берилган) жамият акцияларига эга эмас;

- **Уткуров Ойбек Отабекович** – (паспорт АС2846970, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур ТИИБ, 30.06.2020 йилда берилган) жамият акцияларига эга эмас;

- **Асомутдинов Бехруз Мухитдинович** – (паспорт АС1485521, Қозоғистон Республикаси элчихонаси томонидан 06.11.2018 йилда берилган) жамият акцияларига эга эмас.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 3 майдаги 03/09-3-17/1690-сонли хатига асосан қуйидаги номзодларни “Ўзпартампотаж” АЖ Кузатув кенгаши таркибига киритиш таклифини киритган:

- **Эрсориев Ризамат Янгибоевич** – Давлатив агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари; жамият акцияларига эга эмас

- **Азамов Муҳаммад Ўқтам ўгли** – Давлатив агентлиги бош мутахассиси;

- **Шадманкулов Шерзод Аблакулович** – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бошқарма бошлиги;

- **Мавлонов Азизбек Олимович** – Давлатив агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

Давлат активларини бошқариш агентлиги 10.05.2023 йил ҳолатида «Ўзпартампотаж» АЖнинг **24,6% фониз** акцияларига эгалик қилади.

Саққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидагилардан 7 кишини сайлаш овозга қўйилди:

1. Иргашев Рустам Курбанович – 8 871 170 та овоз берилди;
2. Эрсориев Ризамат Янгибоевич – 5 118 850 та овоз берилди;
3. Ахмедов Жамшид Рустамович – 5 713 400 та овоз берилди;
4. Абдужабборов Аваз Абдусатторович – 6 855 786 та овоз берилди;
5. Азимов Муҳаммад Ўқтам ўгли – 4 852 850 та овоз берилди;
6. Мавлонов Азизбек Олимович – 4 852 843 та овоз берилди;
7. Юнусматов Азамат Мурадovich – 8 129 800 овоз берилди;
8. Шадманкулов Шерзод Аблакулович – 1 та овоз берилди;
9. Гафийтуллин Артур Адгамович – овоз берилмади;
10. Гафийтуллин Элина Хайдаровна – овоз берилмади;
11. Асомутдинов Бехруз Мухитдинович – овоз берилмади;
12. Мирсаидов Мирсаид Миразизович – овоз берилмади;
13. Уткуров Ойбек Отабекович – овоз берилмади;

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

8. “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда сайлансин:

1. **Иргашев Рустам Курбанович** - (паспорт АС3157720, Тошкент ш., Шайхантахур тумани ИИБ томонидан 26.11.2020 йилда берилган) – “ERIELL GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили, жамият акцияларига эга эмас.

2. **Юнусматов Азамат Мурадович** – (паспорт АА0728934, Тошкен ш., Миробод тумани ИИБ томонидан 20.01.2023 йилда берилган) – Йирик акциядор жисмоний шахс, жамиятнинг 1 161 400 дона акцияга эгаллик қилади.

3. **Абдужабборов Аваз Абдусатторович** – (паспорт АА4259781, Тошкент шаҳри ИИБ томонидан 08.02.2014 йилда берилган) – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас.

4. **Ахмедов Жамшид Рустамович** - (паспорт АА4601338, Бухоро вилояти ИИБ томонидан 06.03.2014 йилда берилган) – “INTEGRA EURASIA» МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас.

5. **Эрсориев Ризамат Янгибоевич** – (паспорт АА4999404, Бухоро вилояти ИИБ томонидан 08.04.2014 йилда берилган) – Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари, жамият акцияларига эга эмас.

6. **Азамов Муҳаммад Ўқтам ўғли** – (паспорт АС2936920, Самарқанд вилояти, Булунгур тумани ИИБ томонидан 15.08.2020 йилда берилган) – Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси, жамият акцияларига эга эмас.

7. **Мавлонов Азизбек Олимович** – (паспорт АД1898884, Бухоро вилояти, Вобкент туман ИИБ томонидан 19.10.2022 йилда берилган) – Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, жамият акцияларига эга эмас.

Тўққизинчи масала бўйича Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз нутқида “Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларига дивидендлар тўлаш масаласини ўрганиш жараёнида 2018 йил якуни билан ҳисобланган дивидендларни тўлаш бўйича қарздорликлар мавжудлиги ҳамда акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивиденд пуллари аниқланганлигини айтиб ўтди.

У сўзини давом эттириб, белгиланган тартибда жамият дивидендларни ҳисоблаш, тўлаш тўғрисидаги маълумотларни “Ўзпартампоаж” АЖ расмий веб-сайтида ва ягона корпоратив ахборот порталида (openinfo.uz) жойлаштирилиб эълон қилинганлигини таъкидлади.

Дивидентларни тўлаш, акциядорларнинг жамиятга тақдим этган аризаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 51-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ “Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд” акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолиши белгиланган.

2018 йил учун ҳисобланган дивиденд пуллари ҳисобланган ва ҳақиқий тўланган қундан бошлаб, 3 йиллик синов муддати ўтганлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 51-моддаси, жамият устави, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги” низом ва “Кузатув кенгаши тўғрисидаги” низомлардан келиб чиқиб, жамиятнинг 2018 йил учун акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган дивиденд пуллари (2023 йил 1 июль ҳолатига) “Ўзпартампоаж” АЖнинг ҳисобига қолдириш тақлиф қилинди.

Тўққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 348 600 та овоз, қаршилар – 200 та овоз, бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

9. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2018 йил якуни бўйича ҳисобланган, 01.07.2023 йил ҳолатига талаб қилиб олинмаган дивиденд пуллари жамият фойдасига қолдирилсин.



Ўчинчи масала бўйича Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз нуткида Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилиши ва қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахслари деб белгиланганлигини айтиб ўтди:

1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгаллик қилувчи юридик шахс;

2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгаллик қилувчи жисмоний шахс;

3) ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизга эгаллик қилса, ўша юридик шахс;

5) ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизга эгаллик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизга эгаллик қилса, ўша юридик шахс;

7) ушбу жамият кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) ушбу жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айни бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) ушбу жамият директорининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг қаида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига қирувчи юридик шахс.

Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 88-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

“Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг қундалик хўжалик фаолияти жараёнида “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибига қирувчи корхоналар - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инobatга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўчинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг овозга қўйилди ва санoқ комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 4 268 808 та овоз, қаршилар – 2 079 992 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

10. “Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг қундалик хўжалик фаолияти жараёнида - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инobatга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битим (битимлар) маъқуллансин.

Ўн биринчи масала юзасидан сўзга жамият бош ҳисобчиси А.А.Файзуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 мартадаги ЎРҚ-351-сонли айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан “Акциядорлик жамиятлари ва



акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79 ва 83-моддаларига ўзгартиришлар киритилганлигини, хусусан - “мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш” айтиб ўтди.

Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш мақсадида танлов ўтказиш тўғрисида танлов эълон қилинганлиги тўғрисида ахборот берди.

“Ўзпартампонаж” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш учун жамиятга келиб тушган тижорат таклифларидан жамият ички аудиторининг Кузатув кенгашига берган ҳулосасига асосан қуйидаги ташкилотлардан келиб тушган тижорат таклифларидан бирини тасдиқлашни таклиф этилди:

| № | Аудиторлик ташкилоти номи | Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича текшириш учун хизмат ҳақи (сўм) | Халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботининг халқаро стандарти бўйича текшириш учун хизмат ҳақи (сўм) | СМК ва СЎК ва уларнинг бажарилиш ҳисоби текшириш учун хизмат ҳақи (сўм) | Лицензия | Аудиторлик жавобгарлиги сугурта полиси |
|---|-----------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|--------------------------------------------------------------------|
| 1 | “BALANS-INFORM-AUDIT” МЧЖ | 15 000 000 | 20 000 000 | - | №00789 05.04. 2019й. | “Euroasia insurance” СК сугурта суммаси 500 млн.сўм |
| 2 | “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ | 10 000 000 | 18 000 000 | 4 000 000 | № 00750 01.04. 2019й. | “KAFOLAT” МЧЖ сугурта суммаси 1 млрд.сўм |
| 3 | “IQTIDOR-AUDIT-INFORM” МЧЖ | 15 000 000 | 25 000 000 | 5 000 000 | №00814 12.04. 2019й. | “GARANT INSURANCE GROUP” СК сугурта суммаси 1 млрд.сўм |
| 4 | “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ | 14 000 000 | 15 000 000 | 5 000 000 | №АФ-00749 01.04. 2019й. | “KAFOLAT” МЧЖ сугурта суммаси 1 млрд.сўм |
| 5 | “Консаудитинформ” МЧЖ | 20 000 000 | 25 000 000 | 5 000 000 | №00807 10.04. 2019й. | “GARANT INSURANCE GROUP” СК сугурта суммаси 2 млрд.сўм |

Ўн биринчи масала муҳокамаси якунидан сўнг овозга қуйилди ва саноқ комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 348 600 та овоз, қаршилар – 200 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

II. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича ташки аудит текширувини ўтказиш учун “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи **10 000 000 (ўн млн.)** сўм миқдорида белгилансин, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудит текширувини ўтказиш учун “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳақи **15 000 000 (ўн беш млн.)** сўм миқдорида белгилансин ҳамда самарадорлик муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорлик йиғинди кўрсаткичларари (СЎК) ва уларнинг бажарилиш фойзаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун аудиторлик ташкилоти сифатида “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи **4 000 000 (тўрт млн.)** сўм миқдорида белгилансин.



Кун тартибига қўйилган **ўн иккинчи** масала юзасидан сўзга жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери Н.Қ.Мингяшаров чиқди. У ўз сўзида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли “Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқатининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоболаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 октябрдаги 619-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналарнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги маълум қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайд этилган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, жамиятнинг устави ва ички меъёрий ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш, жумладан уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, заруратга қўра янги таҳририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кераклигини айтиб ўтди.

Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган “Ўзпартампоаж” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави ҳамда “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги низомиларга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни билан йиғилганлар таништирилди.

Ўн иккинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 5 387 302 та овоз, қаршилар – 961 498 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

12. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Устави ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички аудит тўғрисида”ги низомиларини янги таҳрирда тасдиқлансин.

Умумий йиғилганларнинг раиси:



Х.Р.Сафаров

Йиғилиш котиби:



Н.Қ.Мингяшаров

Баённома имзоланди «03» июль 2023 йил.

7-масалага илова:

“Ўзпартампотаж” АЖ директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш.

"Ўзпартампотаж" АЖ директорига 2023 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва компенсацияларни энг куп миқдори ҳисоб жадвали қуйидагича:

| Якка тартибдаги ижроия органи | Ўлчов бир. | *Рағбатлантириш миқдори (мукофот) | Компенсация туловлари | | | | Жами |
|-------------------------------|------------|-----------------------------------|------------------------------|---------------------------|-----------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------|---------|
| | | | оziқ-овқат Қий-матини қоплаш | иш стажин учун устама-лар | чул ва сувсиз худудларда ишлаганлик учун белги-ланган коэффи-циентлар | суткалик пуллар (хизмат сафари даврида) | |
| Жамият директори | минг сум | 100 000 | 0 | 0 | 0 | 0 | 100 000 |

*Изоҳ: Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ йил якуни бўйича қўшимча рағбатлантирилиши мумкин.